

## ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРИДАГИ ФАЛСАФИЙ ТЕРМИНЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Бердибекова Ҳулкар Мавлоновна

*Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика университети  
таянч-докторанти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўзбек тилининг изоҳли луғатларидаги фалсафий терминларнинг семантик хусусиятлари, фалсафага оид терминларнинг изоҳли луғатда берилиши билан боғлиқ муаммолар ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** термин, фалсафа, помета, лугат, изоҳ, тартиб, тамойил, лексикография, мақола, мисол, семантика, семантик майдон, структура.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются семантические особенности философских терминов в толковых словарях узбекского языка, проблемы, связанные с представлением философских терминов в толковом словаре.

**Ключевые слова:** термин, философия, помета, словарь, объяснение, порядок, направление, лексикография, статья, пример, семантика, семантическое поле, структура.

**Abstract:** This article discusses the semantic characteristics of philosophical terms in the explanatory dictionaries of the Uzbek language, the problems related to the presentation of philosophical terms in the explanatory dictionary.

**Key words:** term, philosophy, pometa, dictionary, explanation, order,

principle, lexicography, article, example, semantics, semantic field, structure.

Тилнинг лексик таркибини ташкил этувчи барча системалар ўзидан катта бошқа система таркибида элемент. Бу эса барча терминологик системалар учун хос. Ўзбек тилининг фалсафий терминологик системаси хам бундан мустасно эмас. Бу терминологик тизим асосида политология, идеография, социология каби соҳалар билан боғлиқ кўплаб лексема ётади. Уларнинг барчаси “фалсафа” мазманий майдони остида бирлашади ҳамда ижтимоий, иқтисодий, халқаро муносабатлар, идеографик тушунчаларни ифодаловчи лисоний бутунликни ташкил қиласди.

“Семантик майдон алохида тил системаси сифатида мураккаб лисоний структурага эга. Майдоннинг структур үзагини барча парадигматик гурухлар йиғиндиси ташкил этади. Парадигматик муносабатлар турли хил характерда, у ёки бу мазманий белгилари билан яқин бўлган лексик бирликларнинг ҳар хил синфлари ёрдамида намоён этилиши мумкин. Парадигматик муносабатлар бир чизиқли эмаслиги билан фарқланади”[1], – дейди семантик майдон ҳақида фикр юритиб тилишунос М.Эргашева. Терминологик системаларга айнан хос бўлган ушбу фикр асосини фалсафага оид терминлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Парадигматик муносабатлар бир чизиқда намоён бўлмаслигини фан, таъдим, маданият, сиёsat, иқтисодиёт, дипломатик муносабатларга оид тушунчалар ҳам ушбу терминосистемада акс этганида кўриш мумкин. Буни фалсафий муносабатлар жамият ва халқаро ҳаётнинг барча жабҳаларига хос эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Лугат таркибининг турли соҳаларини қуйидагича гурухларга ажратиш таклиф қилинади:

- семантик майдон;
- лексик-семантик гурух;
- мазмуний гурух;
- синонимик қатор;
- ономасеологик гурух.

Ушбу фикрга асосланган ҳолда рус тилшуноси И.В.Сентенберг тилнинг лексик-семантик системасида иерархиянинг семантик муносабатида мавжуд қуйидаги лексик-семантик парадигмалар ажратилишини таъкидлайди:

- лекисик-семантик майдон;
- лексик-семантик гурухлар;
- мазмуний қаторлар;
- кўп маъноли сўзлар;
- синонимик, антонимик қаторлар, конверсивлар

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида мавжуд фалсафий терминларни лексик-семантик парадигмалар асосида тадқиқ этиш жараёнида юқорида келтирилган мутахассислар фикрига асосланиш ўринли. Шу ўринда айтиш мумкини, система тадқики ва талқини билан алоқадор ишлар И.Қўчқортоев, А.Нурмонов, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, Э.Бегматов, А. Собиров, Ш.Искандарова кабилар томонидан амалга оширилган. Шунингдек, М.Абдувалиев синтактик сатҳнинг тўсиқсизлик категорияси юзасидан майдон назариясини ёритган бўлса, Т.Мирзақулов функционал-семантик майдонларнинг морфемик хусусиятларига тўхталган.[2]

Ўзбек тилида мавжуд фалсафа соҳасига оид терминлар тилшуносликда соҳанинг ўзи каби алоҳида микросистема. Бу эса фалсафий терминларнинг семантик тузилишида умумий ва фарқловчи жиҳатларни

аниқлаш, терминларнинг ифода планида мавжуд имкониятларни тадқиқ қилиш орқали мазкур терминларнинг муайян семантик гурӯҳларга ўринли бирлаштирилиши ҳамда шу асосда фалсафий тушунчаларни номлаш, шунингдек, уларни луғатда бериш мезонларини белгилаш каби жараёнларда ўзига хос аҳамиятга эгалигини кўрсатади.

Хусусан, сўзларда семемаларни белгилаш ёки кўп семемали лексема семемаларни фарқлаш учун бугунги кунгача таянч манба вазифасини, асосан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” ўтаб келмоқда. Лексик сатҳда алоҳида система сифатида қараладиган фалсафага оид лексемалар ва уларнинг маъновий табиати ҳамда лисоний қиймати масаласини ойдинлаштириш юзасидан система лексемалари семантик таркиби, табиати борасида баҳс юритилганда ҳам ЎТИЛдаги тавсиф, талқин ва мисоллар асосий манба вазифасини ўтайди. Шу сабабдан ҳам ЎТИЛда мавжуд флс. (ёки филос.) пометали терминларнинг семантик тавсифини тадқиқ қилиш ҳамда умумий хулосалаш орқали ушбу терминларнинг умумфилологик изоҳли луғатда берилишига доир мезонларни белгилаш мухим. Тилшуносликда систем-структур йўналиш асосчиси Фердинанд де Соссюр қўйидаги фикри орқали ҳар бир бутунлик – система бўлинувчанлик хусусиятига эга эканини таъкидлайди: “Тил яхлит бир бутунликни ташкил қилувчи элементларнинг системаси. Уни ташкил этувчи ҳар бир элементнинг маъноси бир пайтнинг ўзида шу системани ташкил қилаётган бошқа элементларнинг мавжудлигига асосланади”. Ҳар қандай бутунликда эса қўйидагилар акс этади:

- 1) кўплаб элементлардан иборат бутунлик.
- 2) яхлитликни ташкил этувчи элементлар.
- 3) элементлар ўртасидаги барқарор муносабатлар.

Бугунги кунда лисон ва нутқ тушунчалари асосли равища фарқланади. Бу эса лисоний қиймат тушунчаси пайдо бўлишига сабаб бўлган. Мазкур тушунча лексик бирликларнинг семантик хусусиятларини лисон-нутқ нуқтаи назарига кўра таҳлил қилишни тақозо қиласди. Аммо маъновий турғунлик, бетарафлик асосида юзага келган соҳа терминлари бошқа лексик бирликлардан фарқли ўлароқ лисонда ҳам, нутқда ҳам маъно жиҳатдан айнан тавсифга эгалиги билан характерли. Ўзбек тилининг алоҳида микросистемаси сифатида фалсафий терминларнинг семантик хусусиятлари тадқиқи луғатшунослик учун аҳамиятли хулосалар бера олади. Негаки, тадқиқот обьектимиз – ЎТИЛда берилган фалсафа соҳасига оид терминларнинг флс. ёки филос. пометасига эга бўлишига оид мезонлар айнан семантик тавсиф асосида шакллантирилиши мақсадга мувофиқ. Ҳар қандай луғатчилик жараёнида фаолият олиб бораётган жамоа учун энг мураккаб иш босқичи луғат учун лексик бирликларни, уларнинг миқдорини тўғри белгилаб олиш. Айнан шу жараён луғат тури, луғатнинг йўналиши ва мақсадига кўра амалга оширилади ҳамда шуни амалга оширишда муҳим эканлиги билан ажралиб туради. Ўзбек луғатчилиги намуналарини яратиш мобайнида ҳам тузилган режа, мавжуд маҳсус қўлланма ва йўриқномаларга асосланилган. С.Ф.Акобировнинг “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг чегаралари ва манбалари ҳақида”ги мақоласи, академик А.Хожиев томонидан тузилган “Ўзбек тилининг қўп жилдли изоҳли луғатини тузувчилар учун йўриқнома” кабилар шулар жумласидан. Изоҳли луғатнинг ҳар иккаласини яратиш жараёнида термин танлашда, миқдорини белгилашда мазкур қўлланмаларга имкон даражасида амал қилинган. Жумладан, мазкур дастуриламал манбаларга кўра “кўпчилик қўллайдиган ва тушунадиган, дарслик, илмий-оммабоп

асар ва даврий матбуотда кўп кўлланадиган терминлар”[3] луғатга киритилиши таъкидлаб ўтилган. Ушбу талаб ва хусусиятлар қаторида Ушбу талаб ва хусусиятлар қаторида семантик мазмунига кўра лексик бирликка термин эканлик даражаси берилиши кераклиги муҳим. Айнан мана шу мезон сабаб – ЎТИЛда мавжуд терминларнинг ёки терминлик позициясида бўлмаган баъзи бирликларнинг семантик тавсифи аниқлаштирилмаганлиги боис – фалсафий термин пометасини олиши лозим бўлган баъзи терминлар тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган. Ёки луғатнинг умумий тадқиқи жараёнида фалсафий термин мақомидаги айрим терминларнинг семантик хусусияти айнан мавжуд бўлган бошқа шу хил бирликлар фалсафий терминлик мақомига эга эмаслигини кўриш мумкин. Кўринадики, фалсафий терминларнинг семантик тавсифи амалий аҳамиятга эга. Бугунги кунда фан соҳаларида эришилган муваффақиятлар олиб борилаётган тадқиқот ишининг кашф этилмаган хусусиятларини очиб бериш, шу жараёнда амал қиласидиган қонуниятларни чукурроқ тушуниб олиш учун умумлаштиришни амалга ошириш, уларнинг тизимлилик ва тузилишга оид жиҳатларини белгилаб олиш самарали натижага сабаб бўлишини исботламоқда. Ўзининг назарий босқичида бугунги кун ўзбек лингвистикаси нутқий ҳодисаларни умумлаштириш, нутқий ҳодисаларни ўрганишда ўзаро алоқадорлик тамойилига таяниш каби ёндашувлар етакчилиги билан характерланади. Лексик сатҳда нутқ ҳодисаларини умумлаштириш бошқа сатҳларга нисбатан олдинроқ бошланган ва бу ижобий натижалар кўрсатиб келади. Қолаверса, семасиологиянинг ривожланиши генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ мазмуний бирликларни дастлабки босқичларда умумлаштирилиши масаласини тақозо қиласиди. Ўзбек тилшунослигининг ўзига хос ютуқларидан бири

сифатида таъкидлаш мумкинки, лексик сатҳнинг системавий характерга эгалиги, лексик парадигмаларнинг аниқланиши, ушбу тизим ичидағи тизимларнинг компонентлари, структурал имкониятлари бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар чуқурроқ ёндашув асосида олиб борилганлиги ижобий натижаларни бермоқда. Лексик бирликнинг мазмуний таркиби ва бунинг лисоний бирлик моҳиятини ифодалаши кабилар бирликнинг лисоний парадигмаларда, тизимларда тутган ўрни билан белгиланади. Айнан шу ҳодиса сабаб лисон ва нутқ тушунчаларининг ёрқин фарқланиши ва натижада лисоний қиймат тушунчасининг пайдо бўлиши [4] лисоний бирликларнинг семантик табиати ва тузилишини аниқлашда лисон-нутқ муносабатига кўра ёндашувни тақозо қиласди. Айниқса, терминларнинг мазмунига доир аниқ таҳлиллар уларга лугатда терминлик мақомини бериш ёки маҳрум қилиш каби жараёнларга аниқ хulosалар беришда ёрдам беради.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида мавжуд фалсафага оид терминларнинг фалсафий термин сифатида танланиши муайян мезонларга таянган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқлиги айнан унинг семантик тавсифига алоқадор. Сўзларда мавжуд маъно қирраларини белгилаш, маъноларининг фарқли томонларини аниқлаштириш масалалари ЎТИЛга таянган ҳолда амалга оширилади. Чунки ўзбек тилининг деярли барча имкониятлари ушбу йирик лугатда акс этган, жамланган.

Қолаверса, тилда мавжуд лексемаларнинг турли, хусусан, семантик жиҳати ҳақида тасаввур шаклланиши ва маълумот олиш учун таянч манба эканлиги сабабдан ҳам у меъёрий лугат. Лексеманинг тушунча ифодалаш (сигнификатив алоқа) хусусиятини ўрганишда лексик системада маълум

сўзларнинг битта семантик майдон ичидаги бир-бiri билан бирикиб, ягона парадигматик қаторни ташкил қилиши аҳамиятли.

Ўзбек тили лексикасида бундай семантик майдонлар миқдори чексиз ва улар алоҳида тадқиқотлар учун текшириш манбаи бўла олади. Луғавий маъно орқали лисон ва нутқни изчил фарқлаш юзага чиқади. Бу эса ҳар бир сўзнинг барқарор лисоний ва ўткинчи нутқий жиҳатларни фарқлашга кўмак беради. Нутқий ҳодисалар эса ранг-баранглиги боис лексикографик талқин учун обьект бўла олмайди. Луғатлар сўзларнинг барқарор хусусиятларинигина қамраб олиши мумкин. Шу боисдан сўзларнинг мазмуний тадқиқи лексикографик ишларда асосий омил сифатида қаралади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, чексиз ҳисобланган нутқий маънолар асосида барқарор лексик маъно аниқлаштирилади. Лексеманинг нутқда намоён бўлган турли маъно қирралари, оттенкалари ёки кўчма тарзда қўлланиши бирликнинг барқарор маъносини аниқлаш учун асосий манба. Қолаверса, луғат учун танланган сўзнинг изоҳларида ҳосила маъноларни қўп сонли бош маънога айлантириб қўймаслик учун ҳам семантик тавсиф чуқурроқ тадқиқ қилиниши зарур. Бош ва ҳосила маъноларнинг ажратилиши, фарқланиши, умумлексика бирлигининг қайсиdir маъно муносабатига кўра нутқда намоён бўлиши, яъни полисемантик сўзнинг муайян маъноси термин сифатида даражаланиши айнан семемаларнинг ўрганилиши ҳамда семаларнинг ўзаро муносабатларининг воқеланиши асосида белгиланади. Лексеманинг тушунча ифодалаш (сигнификатив алоқа) хусусиятини ўрганишда лексик системада маълум сўзларнинг битта семантик майдон ичидаги бир-бiri билан бирикиб, ягона парадигматик қаторни ташкил қилиши аҳамиятли.

Ўзбек тили лексикасида бундай семантик майдонлар миқдори чексиз ва улар алоҳида тадқиқотлар учун текшириш манбай бўла олади.

Адабиётлар:

1. Турсунов У., ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили.– Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 80 б.
2. Сапаев Қ. Қурилиш терминологиясидаги синонимия масаласига доир. // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари: 1 республика терминология конференцияси материаллари. – Тошкент: Фан, 1986. – 37,39 б.
3. Неъматов Ҳ. Расулов Р Ўзбек тили систем лексикология асослар
4. Бобоҷонов Ш.Ҳ. Семема, унинг нутқий воқеланиши ва изоҳли лугатдаги талқини. Фил. фан. номзоди ... дисс. – Тошкент, 2004. – Б.40.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати